

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» —
ОҒУМИ?

Келгусен
сонларда ўқинг

«Жинойтчи...» —
китоб!

Келгусен сонларда ўқинг

Ishonch

Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

2018 йил 31 май • пайшанба • № 64 (4037)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ «РОСАТОМ» ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯСИ БОШ ДИРЕКТОРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 май куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган «Росатом» атом энергияси бўйича давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёвни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни кутлар экан, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга, ўзаро манфаатли серкирра ҳамкорлигини кенгайтиришга хизмат қилаётган олий ва юқори даражадаги мулоқотлар мунтазамлик касб этганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми жадал ортиб бормоқда, биргаликда инвестиция, энергетика, sanoat, транспорт ва бошқа соҳаларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда, изчил ҳудудларро мулоқот йўлга қўйилган, маданий-гуманитар алмашувлар фаоллашди.

Музокарада фан ва юқори технологиялар соҳасида узок муддатли шериклик алоқаларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, икки мамлакат илмий-тадқиқот институтлари ва инновация марказлари ўртасида, жумладан, ўтган йили имзоланган Атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим доирасида яқин ҳамкорлиқни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма дастур ва лойиҳалар доирасида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

«Росатом» давлат корпорацияси бош директори Алексей Лихачёв самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдириб, Россия Федерацияси раҳбариятининг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Россия мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида энергетика секторида кенг қўламли шериклик ва ўзаро фойдали илмий-технологик ҳамкорлиқни янада ривожлантиришдан манфаатдорлиги ва бунга тайёрглиги алоҳида қайд этилди.

ЎЗА

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



Энг ажойиб совға

Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 431-ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасасида Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан «Болажонларимизга энг ажойиб совға» мавзусида мусиқий-спорт байрам тадбири ўтказилди.

Маънавий-маърифий фаолиятни такомиллаштириш, таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини ошириш, ота-оналар билан ҳамкорликдаги ишларни жонлантириш мақсадида ташкил этилган шодиёна жазживойларга олам-олам завқ улашди.

67 нафар бола таълим-тарбия олаётган ушбу муассаса ақлий ва руҳий ривожланишда нуксони бўлган 3-7 ёшгача болажонларни соғломлаштириш, ижтимоий ҳаётга тайёрлаш масалалари билан шуғулланиши ва ташхисларига қараб мактабларга йўналтиради. Таълим тўрт йилга мўлжалланган. Шу даврда тарбияланувчилар махсус мактабгача ёшдаги болаларга қўйилган давлат талаблари дастури асосида коррекцион, тиббий-консультатив, пси-

хологик-педагогик таълим-тарбия олади. Жисмоний нуксонлари барта-раф этилиб, имкон борича ижтимоий ҳаётга тайёрланади. Бунда индвидуал ривожлантирувчи фаолиятга ташкил этилган шодиёна жазживойларга олам-олам завқ улашди. Бунда индвидуал ривожлантирувчи фаолиятга ташкил этилган шодиёна жазживойларга олам-олам завқ улашди. Бунда индвидуал ривожлантирувчи фаолиятга ташкил этилган шодиёна жазживойларга олам-олам завқ улашди.

3»

Оилада гўдак дунёга келди: энди ҳаммаси бошқача бўлади. Дунё ташвишларидан овунчоқ, кўнгилни-ю кўзни қувнатувчи жажжи олам. Гўдак иси, фарзанд тафтини туйган одам борки, дунёдаги энг буюк неъмат — дилбандининг кўзларига боқиш, унинг бийрон тилларидан янграгучи ширин сўзларни эшитиш, кўзмунчоқдек қароғларидан бахтининг сувартини топиш эканини қалбдан ҳис этади.

Кўз қароғи, бахт боғи

Ота-боболаримиз фарзандни бежиз «жаннатнинг гулу-у райхони» дея эъзоз этишмаган. Болажонлиги билан таърифланган ўзбек миллати ҳар қадам, ҳар нафасда, аввало, «болам» дейди. Аслида, дунёнинг барча халқи, миллати ҳам болани яхши кўради, у билан овунади. Аммо уларнинг аксарияти фарзандни оиланинг вояга еттунга қадарлик меҳмони сифатида қабул қилади. Бироқ ўзбеккана боласи, боласининг боласи, ҳатто ундан кейинги авлодлари билан ҳам бир том остида яшап, бир қозондан ош ейишни энг қатъи бахт — пири бадавлатлик деб англайди. Пири бадавлатлик эса олий рутба, энг шарафли мактедир.

Халқининг фазилатлари, инсонпарварлик тамойилларини сиёсатда ҳам, қонунчиликда ҳам кенг аёқ элтирган давлатимиз бола ҳуқуқлари, унинг манфаатларини ифода этувчи қатор қонун ҳужжатлари тизимини амалда қўллаб келмоқда. Бу борада ҳар томонлама ривожланишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Аввало, қонун меъёрларида «бола ким?» деган тушунчага аниқлик киритиб оладиган бўлсак, «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияга мувофиқ, 18 ёшгача бўлганларнинг барчаси бола ҳисобланади. Статистикага назар ташласак, мамлакатимизда умумий аҳолининг 40 фоизини айна 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Демак, фарзандини ўзидан-да аъло билгучи, ўригидан данаги ширин эканини минг йиллардан бери ўқитиб келган халқнинг болалар билан боғлиқ бундан-да иқболли кунлари ҳали олдинда.

3»

КУН НАФАСИ

«Истикболли бошқарув кадрларини танлов асосида танлаб олишнинг замонавий тизимини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Қарори қабул қилинди.

Унда истиқболли бошқарув кадрларининг тизимли асосда танлаб олинишини таъминлаш, шунингдек, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотлари (кейинги ўринларда — давлат ташкилотлари) тизимда уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб боришга қўмаклашиш бўйича амалга ошириладиган вазифалар белгилаб берилган.

29 май куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида экспорт-импорт, маҳаллий бюджетга қўшимча тушумларни таъминлаш, қишлоқ ҳўжалигида гўза парвариши, галла ўрими, тақририй экинлар ва сувдан оқилона фойдаланиш каби муҳим тадбирларни самарали ўтказиш билан боғлиқ долзарб масалаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

«Қишлоқ ҳўжалиги махсулотлари ишлаб чиқарувчиларга механизация ва сервис хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент Қарори қабул қилинди.

Унга мувофиқ, 2018 йил 1 июлдан «Ўзгагросервис» АЖ «Ўзгагросервис» АЖ ташкилий тузилмасидан чиқарилди.

Бош вазир Абдулла Арипов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси жорий йилнинг 31 май — 1 июнь кунлари Душанбе шаҳрида бўлиб ўтадиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Мамлакатимизда 1 июндан 1 июлгача «Гўзада қафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги» эълон қилинади.

Мудофаа вазирлигининг «Jangovar hamdo'stlikni mustahkamlashdagi xizmatlari uchun» кўкрак нишони таъсис этилди.

Мазкур кўкрак нишонини билан халқаро харбий ва харбий-техник ҳамкорлик масалаларини ҳал этишдаги хизматлари, Ўзбекистон мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлашда салмоқли ҳисса қўшган харбий хизматчилар, Қуролли Кучлар ишчи-хизматчилари, шунингдек, Ўзбекистон фуқаролари ҳамда хорижий давлат фуқаролари тақдирланади.

Ўзбекистонда пенсия ёшини 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 6 ойга, аёллар учун 58 ёшгача ва эркаклар учун 63 ёшгача ошириб бориш тақлиф этилган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрири лойиҳаси муҳокама этилмоқда.

Олим Исаев ҳукумат қарори билан «Ўзгагросервис» акциядорлик жамъияти бошқарувининг раиси этиб тасдиқланди.

Азиз Эшбеков Бош прокуратуранинг тадбиркорлар ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш

бошқармаси бошлиғи лавозимига тайинланди.

Харбий бурчини адо этиш ҳамда табиий офатда одамлар ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида ўз жонини қурбон қилган Шохрухбек Ўрозалиев вафотидан сўнг «Ҳасорат» медали билан тақдирланди.

Япониянинг «Sakai Heavy Industries Ltd» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, йўл қурилиши ва таъмирида ишлатиладиган техникаларни етказиб бериш қўзда тутилмоқда.

Лойиҳага кўра, Япония ҳукуматининг «Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт дастури» доирасидаги грантлар асосида, Ўзбекистондаги йўл қурилиши ва таъмири учун 800 миллион япон иенаси (7,3 млн. АКШ доллари) кийматидаги Япония техникалари бегараз тақдим этилади.

Жорий йил 5 июндан 8 июнга қадар Тошкент шаҳрида II Марказий Осиё халқаро экологик форуми (II МОХЭФ) бўлиб ўтади. Унда Марказий Осиё мамлакатлари ҳукуматлари вакиллари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, дипломатик миссиялар, соҳанинг етакчи экспертлари ва экология соҳаси вакиллари иштирок этишади.

«Ўзгидромет»нинг таъкидлашча, 27-28 май кунлари Ўзбекистон шимоли-ғарбига Россиянинг Европада яқин ҳудудларида тарқалган совуқ ҳаво массасининг кириб келиши кузатилади.

Юқори тезликдаги фронтал оким ва сезиларли даражадаги ҳароратлар фарқи республиканинг барча ҳудудларида кучли шамолни юзага келтирган. Энг ёмон об-ҳаво шароити Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида кузатилади. Қун бўйи давом этган шиддатли шамол қуриб қолган ер юзасидаги чангларни ҳавога учирган. Бундан ташқари, шамолнинг шимол йўналишида эсиши қуриб қолган Орол денгизи тубидаги тузларни Хоразм вилояти ва Туркменистоннинг қўшни ҳудудларига қадар учуриб борган.

Жорий йил 26 майдан бошлаб Тошкент шаҳар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги йўл-патрул хизмати инспекторлари томонидан видеокамералар бевосита ҳизмат жараёнида синовлан ўтказилмоқда.

Жаҳон банки таркибига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (IFC) ва «Hamkorbank» акциядорлик тижорат банки Ўзбекистонда микро ва кичик бизнесни кредитлашни кенгайтириш мақсадида 80 миллиард сўмлик, яъни — 10 миллион АКШ доллари эквивалентидаги ўзининг инаугурацияцион облигациясини чиқарди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро бозорларда амалга оширилган дастлабки битимидир.

Қирғизистоннинг ўш давлат академик ўзбек мусикали драма театри жамоаси халқаро ҳамкорлик доирасида Ўзбек миллий академик драма театрида Чингиз Айтматовнинг «Соҳил бўйлаб қаюётган олапар» спектаклини намойиш этди.

2»

Ярмарка

372 нафар фуқаро ишга йўлланма олди

Гулистон шаҳридаги Алишер Навоий номли «Билимдонлар масканида» бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Тадбир вилоят ҳокимлиги ҳамда давлат-нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Вилоятдаги 125 корхона, ташкилот ва муассасалар 4 минг 178 бўш иш ўрни билан қатнашган ярмаркада 5 минг нафарга яқин вақтинча ишсиз, жумладан, хотин-қизлар, ўқувчи-талаба ва ёшлар, Қуролли Кучлардан захирага бўшатиладиганлар, жазони ўташ муассасаларидан озод этилганлар ҳамда алимент тўловчи фуқаролар тегишлича маълумотларга эга бўлишди.

— Тошкент давлат техника университетини тамомлаганман. Шу кунгача Ширин энергетика касб-ҳунар коллежида ишлаётган эдим, — дейди Бо-ёвут туманида яшовчи Алишер Шукуров. — 1 июлдан бошлаб штатим қисқартирилиши тўғрисидаги хабарномани олгач, бугун ўтказилаётган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасига келдим. Менга «Фарход» ГЭСи унитар корхонасига ишга



жойлашиш учун йўлланма беришди. Ўз мутахассислигим бўйича ишга жойлашаётганимдан хурсандман.

Ярмарка якунида 372 нафар, жумладан, 184 нафар биниш ўринлари меҳнат ярмаркасига келдим. Менга «Фарход» ГЭСи унитар корхонасига ишга

ижтимоий ҳимояга муҳтожлар, 31 нафар муҳалдам судланганлар ишга жойлашиш учун йўлланма соҳибига айланишди. Шунингдек, 980 нафар фуқарога меҳнат қонуничилиги, иш жойини ўзгартириш, бўш иш ўринларида белгиланган қафолат ва имтиёзлар юзасидан малакали мутахассислар томонидан маслаҳатлар берилди.

Тадбирда фаол иштирок этган корхона, ташкилот ва муассасаларга вилоят бандлик бош бошқармаси томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» муҳбири

КУН НАФАСИ

41 Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Мовароуннахр» нашриёти муассислигида «Мўминлар» журнали чоп этила бошланди.

Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида халқаро ривожланиш банкларининг энг кўп миқдорда суверен молиялаштиришни олишга эришди. Бу ҳақда Европа тараққиёт банкнинг Халқаро тараққиёт банклари инвестицион фаолияти шарҳида айтилган.

Ўзбекистон бу соҳага 841 миллион долларни жалб қилган бўлиб, бу умумий ҳажмининг 78 фоизини ташкил этди.

Шахрисабз шаҳрида хизмат қилаётган Қашқадарё вилояти ИИБ Хавфсиз туризмни таъминлаш бошқармаси ходимлари тезкор ва самарали фаолият юритиши учун «сегвей» транспорт воситалари билан тўлиқ таъминланди.

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида бокс бўйича халқаро «Губернатор кубог»ида терма жамоамиз аъзоларидан етти нафарини олтин медал учун курашнинг давом эттиришга муваффақ бўлишди.

Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида бўлиб ўтган тазқондоннинг WTF йўналиши бўйича Осиё чемпионатида вакилларимиз иккита олтин, битта кумуш ва бешта бронза медални қўлга юритиб, фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

«AKFA» компаниялар гуруҳи таркибидagi «BENKAM» компанияси AQSH, Kanada ва бошқа мамлакатларга алюмин профилларини экспорт қилишни бошлади.

Ушбу компания Ўзбекистон-Европа «қўшма» лойиҳасидир. Корхонанинг асосий мақсади — сифатли алюмин профилларни ишлаб чиқариб, Марказий Осиё, Европа ва чет эл мамлакатларига экспорт қилишдан иборат.

Кеча «Ўзэксспомарказ» Миллий кўргазма компаниясининг марказий павильонлари ва очик майдонларда XIII «Uzbekistan Agrotech Expo – 2018» Республика кишлоқ хўжалиги учун замонавий ускуналар ва технологиялар халқаро ихтисослаштирилган кўргазма ярмаркаси ҳамда VII кишлоқ хўжалиги техникаси ва машиналари кўргазмаси «Uzbekistan Agromash Expo – 2018» ўз иштини бошлади. Кўргазма жорий йилнинг 2 июнига қадар давом этади.

Халқаро қонунчилик

Аёл ҳуқуқлари кафолати

Инсон ҳуқуқларини белгилайдиган ва тартибга соладиган, миллий Конституция ва қонунларни қабул қилишда андоза вазифасини бажарувчи «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қабул қилинганлигига 70 йил тўлади. «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» қабул қилинганлигининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисидаги Президент Фармониغا мувофиқ жорий йилда мамлакатимизда мазкур нуфузли халқаро ҳужжатнинг мазмун-моҳиятига бағишланган кўлаб тадбирлар ўтказилади. БМТнинг асосий ҳужжати ҳисобланадиган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» ҳуқуқий жиҳатдан тасвиявий ҳусусиятга эга бўлса-да, у нафақат халқаро ҳуқуқ, балки миллий ҳуқуқ учун ҳам асосий манбалардан бири сифатида хизмат қилади.

Ушбу декларация муқаддимасида инсоннинг асосий ҳуқуқлари, шахсининг кадр-қиммати, эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги эътиборга олингани лозимлиги эътироф этилган. Унинг 2-моддасида «ҳар бир инсон ирки, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқоди, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликларга эга бўлиши зарур», деб белгиланган.

«Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»га мувофиқ балоғат ёшига етган эркак ва аёллар ирки, миллати ёки диний белгилари бўйича ҳеч қандай чеклашларсиз никоҳдан ўтиш ва онла куришга ҳақли. Улар никоҳдан ўтиш, никоҳда турган вақтлари ва уни бекор қилиш вақтида бир хил ҳуқуқдан фойдала-

*** «Amazon» ва «Blue Origin» компаниялари раҳбари Жефф Безос 2020 йилгача орбитага кўп марта ишлатилувчи New Glenn кемаларини учирмоқчи. Бундан ташқари, Безос NASA билан бир-галикда Ойни забт этиш учун янги ракета яратиш ниятида. Агар у кинот агентлиги билан келишса олмаса, унда бутун бойлиги, яъни 133 млрд. АҚШ долларини шу лойиҳага сарфлашга тайёр.

*** Туркия Президенти Ражаб Тоййиб Эрдоған асосий мухолиф партия — Халқ-республика партиясидан президентликка номзод Мухаррам Инжени судга берди. Бунга эса Инженнинг Эрдоған 2001 йилда АҚШга мухолифатчи Фатхулла Гулен ёнига боргани ҳақидаги сўзлари сабаб бўлган.

*** Америкалик иктисодчи Жорж Сорос Буюк Британияда «Brexit» натижаларини бекор қилувчи янги референдум ўтказилиши борасидаги кампанияни қўлаб-қувватлашни маълум қилди.

Жорж Сороснинг фикрича, 2020 йилдан кейин бошланиши керак бўлган «Brexit» анча оғирлики жараён ҳисобланади. Иктисодчи ушбу муаммони иккинчи мартаба референдум ўтказиш орқали ечилиш мумкинлигини маълум қилди.

*** Уммон ва Яман давлатларида «Мекуну» троник циклонни кўзгаллиши оқибатида 13 нафар киши ҳалок бўлди, 500 нафар киши эса ўз уйини тарк этишга мажбур бўлди.

*** Грузия ТИВ раҳбари ўринбосари Давид Дондуанинг маълум қилишича, Грузия Сурия билан дипломатик алоқаларини ўзичи жараёнини бошлади. Бу Дамашк Абхазия ва Жанубий Осетия мустақиллигини тан олганлиги туфайли рўй бермоқда.

*** Италиянинг «Поллино» миллий боғида ёши 1230 йилга тенг бўлган қарағай топилди.

Гельдрейх турига мансуб қарағай кекса ёшига қарамай, ўсишда давом этмоқда. Тахмин қилинишича, дарахтнинг бундай узок «умр кўриши»нинг сирини у топишдан тоғларда паст ҳарорат бўлиши мумкин. Дарахт олимлар томонидан «Italus» деб номланди.

*** Эроннинг Табриз шаҳрида бир аёл 6 нафар чакалоқни дунёга келтирди. Илк бор оналик шарафига муяссар бўлган 23 ёшли аёл 4 киз, 2 ўғил кўрган.

*** Интернет нашрлари ҳамда ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди.



Инсон қадри улуг

— Давлат муассасалари ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликда кўлаб хайрли ишларни амалга ошириб келаямиз, — дейди фонд масъул котиби Сарвар Исмоков. — Жумладан, тиббий-ижтимоий муассасалар, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари, «Меҳрибонлик», «Мурувват», «Са-

ховат» уйлари, махсус-мактаб интернати тарбияланувчилари доимий қўлаб-қувватлаб келинаёпти. Турли маданий-маърифий учрашувлар, кўнгличлар тадбирлар ташкил этилиб, уларга мурувват ёрдамлари ҳисобидан бепул дори-дармон, санитария-гигиена воситалари ва рўзгор учун керак бўладиган бош-

Юқори Чирчиқ туманидаги «Ариран» қариялар уйида «Соғлом авлод учун» фонди томонидан Республика Миллий гвардияси ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи оркестр жамоаси билан ҳамкорликда «Инсон қадри улуг, хотираси муқаддас» мавзусида тадбир ўтказилди.


қа маҳсулотлардан иборат бир қатор инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатишмоқда.

Тадбирда фонд томонидан қариялар уйига мурувват ёрдами кўрсатилди. Тақдим этилган концерт дастури эса нуруний отахон-у онахонларда қатта таассурот қолдирди.

Ўз мухбиримиз

Касаба уюшмаси аралашуви билан

Боёвут туманлараро «Агрокимёхимоя» минерал ўғитлар базасида ишловчи 24 нафар ишчи вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашига шикоят билан мурожаат қилди. Маълум бўлишича, уларга 2017 йилнинг октябр ойидан буён иш ҳақлари тўлаб берилмаган.



Қаноатлантирилган талаб

Бундан ташқари, ходимлар тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга жалб этилган, бироқ улар билан келишув шартномаси расмийлаштирилмаган. Натижада тунги ва иш вақтидан ташқари меҳнатлари учун ҳақ нотиғри тўланган. Шикоятда жамоа шартномасида кўзда тутилган бўлса-да, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари етарлича яратилмагани, ходимлар махсус кийим-бош, пойабзал, бошқа шахсий гигиена воситалари, сут ва озик-овқат маҳсулотлари билан таъминланмагани маълум қилинган. Дарҳақиқат, ўрганиш жараёнида «Меҳнат кодексининг 154, 157, 158-моддалари, Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 18-моддаси талаблари бузилгани аниқланди.

Шу боис «Агрокимёхимоя» минерал ўғитлар базаси мудири номига меҳнат қонунчилиги бузилишини бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Шундан сўнг ташкилотда умумий йиғилиш ташкил этилиб, йўл қўйилган қамчиликлар муҳофаза қилинди ва уларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Ҳақ-ҳуқуқлари бузилган бир гуруҳ ходимларнинг талаби қондирилди. Ойлик иш ҳақлари қайта ҳисоб-китоб қилиниб, уларга тўлаб берилди.

Шириной УМАРАЛИЕВА, Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири

Семинарлар

Вазифалар аниқ, навбат — амалий ишга

Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган семинарда ўқувчиларнинг ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этишда мутасадди ташкилот ва муассасаларнинг вазифаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилги мавсумда шаҳар ташқарисидаги 12 та стадион оромгоҳда 4300 нафар, таълим муассасалари қошида ташкил этиладиган 62 та кундузги оромгоҳда 5225 нафар бола дам олдирилади.

Ҳозирда вилоят ҳокими ҳамда ҳудудий касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг «Мактаб ўқувчиларининг 2018 йил ёзги соғломлаштириш мавсумини ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарори билан шаҳар ва туман ҳокимлари, тасарруфда оромгоҳлари бўлган хўжалик, ташкилот раҳбарлари, мутасадди ва ишчи гуруҳлар зиммасига дам олиш масканларини таъмирлаш, зарур жиҳозлар, белгиланган миқдорда ва турдаги дори-дармон, санитария ва ювиш-тозалаш воситалари билан тўлиқ таъминлаш, кутубхо-

наларда бадий китоблар, маданий ва спорт жиҳозлари етарли бўлишига эришиш каби долзарб вазифалар юклатилиб, ижроси таъминланаёпти. Мавсумда ногирон, боқувчисини йўқотган, вояга етмаган, айниқса, ижтимоий ҳимояга ва соғломлаштиришга муҳтож саккиз юз нафар бола имтиёзли ва бепул йўлланма билан таъминланади. Семинарда ўтган йилда болаларини соғломлаштириш мавсумида йўл қўйилган қамчиликларга алоҳида тўхталинди. Мавжуд оромгоҳларда сўнгги тайёргарлик ишлари ниҳояланганга бир пайтда «Табассум», «Мирзақўл», «Қонинот» оромгоҳларида ҳозиргача қатор қамчиликлар борлиги тилга олиб ўтилди. Стационар оромгоҳларнинг биринчи июндан эътиборан иш бошлаши қатъий белгиланган бўлишига эътибор қаратилди.

Навоий вилоятидаги семинар «Қизилқумцемент» АЖ тасарруфидаги «Шабода» оромгоҳида ташкил этилди.

Ялпи йиғилишда бирлашма, вилоят Мувофиқлаштирувчи гуруҳ аъзолари, масъул ташкилотлар вакилларининг маърузалари эшитилди. Уларда мавсумга оромгоҳларни тайёрлаш, болаларнинг сифатли, мазмунли ва қизиқарли дам олишини ташкил этиш, уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш, озик-овқат маҳсулотлари сифатининг санитария-гигиена талабларига қанчалик мос эканини назорат қилиш, жамоат тартибини сақлаш, хавфсизлик чораларини кўриш, мала-

кали педагог кадрларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шўба машғулотларида эса ҳар бир соҳа вакилига мутахассислар томонидан оромгоҳларда ишларни тўғри йўлга қўйиш ва юритиладиган ҳужжатлар бўйича батафсил тушунтиришлар берилди.

Тадбирда ташкил этилган кўргазмада ишчи гуруҳлар томонидан тегишли қўлланма, плакат ва тарқатма материаллар, режалаштирилган тўғрақ ҳамда кутубхоналарнинг намунавий фаолияти намойиш қилинди.

Самарқандда мавсум ташкилотчилари ва оромгоҳларда жалб этиладиган ходимлар иштирокида бўлиб ўтган семинарда ҳам мавсумга ҳозирликнинг ҳолати муҳокама марказида бўлди. Тадбирда болаларни сифатли, мазмунли ва қизиқарли дам олишини ташкил этишга доир масалалар ҳусусида сўз юритишди.

Мутахассислар шўба йиғилишларида малакали тиббий хизмат, озик-овқат таъминоти, маданий-маърифий тадбирларни уюштиришга доир масалалар бўйича машғулотларда иштирок этишди.

Жорий йилда барча турдаги оромгоҳларда 21 минг 130 нафардан ортиқ болажонлар дам олдирилади. Айнан шунга

кўра, масъулиятини ҳис қилган ҳолда 23 та стационар, 55 та кундузги оромгоҳда етарлича шароит яратилмоқда. Дам олиш мавсумини юқори малакага эга бўлган кадрларга топшириш, уларнинг касбий маҳорати юзасидан атрофида фикр юритилди. Иштирокчиларга мавсумга тааллуқли барча масалалар бўйича батафсил маълумот берилди.

Меҳнатни ташкил этишнинг ҳар қандай мажбурийлик кўринишига қонуний чоралар белгилангани, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, янги даврни бошлаб берди. Меҳнат муносабатларини тўбдан такомиллаштириш борасида Халқаро меҳнат ташкилоти билан яқиндан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Холис экспертлар томонидан амалга оширилаётган кузатув ва мониторинглар орқали олис ҳудудлардаги ҳолат ҳам таҳлил этиб келинмоқда.

Самарқанд шаҳри, Жомбой, Булунгур, Иштихон, Қўшработ, Каттақўрғон, Тойлок, Ургут туманларида ХМТ эксперти Оксана Герасимова иштирокида меҳнат муносабатларини шакллантиришнинг оптимал услублари, мажбурийлик кўринишидаги ҳолатларнинг олдини олишга доир семинар-тренинглар ташкил этилди. Унда иштирокчилар мажбурий меҳнатнинг барча кўринишларини мисоллар асосида батафсил муҳокама қилишди.

Касаба уюшма фаоллари, ҳамкор ташкилотлар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари қатнаш-

ган тадбирларда меҳнатқашлар ҳуқуқлари ҳимоясини ташкил этиш, қафолатланган иш шароити яратиш, меҳнатнинг мажбурийлиги эҳтимот тутилган омиллар олдини олишда жамоатчилик назоратининг таъсирчан қучи ҳусусидаги фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Барча ҳудудда иштирокчилар фаолияти яққол сезилиб турди, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ориф Мишамов. — Меҳнат маданиятини шакллантиришда фуқароларимиз фаоллиги эътирофга лойиқ. Улар жамиятдаги ўзгаришларни теран илган ҳолда ўз муносабатларини билдиришди.

Ўз мухбирларимиз

Муҳаммади УСМОНОВ, юридик фанлар доктори, профессор
Аюб МУҲАММАДИЕВ, юридик фанлар доктори, профессор

Кўз қароғи, бахт боғи

41

Океан ортдаги нуфузли таълим муассасаларида ўзбек илм-фани тараққиёти юзасидан матбуотлар ўқиб келгувчи устозимиз, ўзбек компьютер лингвистикаси фанига тамал тоши қўйган профессор Абдумажид Пулатов сабоқлар чоғида: «Энг яхши ота-она фарзандида вақтида эркинлик бера олгани, энг яхши фарзанд эса ота-онага муаммо тулдирмайдигани», дея кўп таъкидларди. Ҳаётда кўп бора исботини топган бу ҳақиқатни қонун талабларимизда ҳам учратиш мумкин. Бола учун яхшилик қилмоқчимисиз, қонунларга назар солинг — адашмайсиз! Назорат жилавини андак бўш қўймоқчимисиз, яна ҳукукий меъёrlарга таънинг — қокимайсиз. Зеро, демократик давлат бундай барча эҳтиомликларни назарда тутган.

Давлатимиз томонидан ратификация қилинган «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ни Конвенциянинг 32-моддасида иштирокчи давлатлар томонидан бола-ни истисодий эксплуатациядан ҳамда унинг соғлиғи учун хавф-хатар етказиши мумкин бўлган ёки таълим олишига тўқсонлик қиладиган ёхуд соғлиғи, жисмоний, ақлий, маънавий, ахлоқий ва ижтимоий ривожланишига зарар келтирадиган ҳар қандай ишлардан ҳимоя қилиш ҳуқуқининг эътироф этилиши, шунингдек, ишга қабул қилиш учун энг кичик ёшнинг белгилан- берилиши кераклиги кафолатланган.

Мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида вояга етмаган ҳодимларга қўшимча кафолат ва имтиёзлар назарда тутилган. Бундай кафолат ва имтиёзларни белгиллашда меҳнат қонунчилиги, энг аввало, ҳалқаро ҳужжатларга асосланган. Меҳнат кодексининг 77-моддасида «Ёшларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар ўқув юр்தларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ҳамда маънавий ва ахлоқий қамол топишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқитишдан бўш вақтида бажариш учун улар ўн беш ёшга тўлгандан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўринини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилинишига йўл қўйилади» деб белгиланган.

Меҳнат кодексидида вояга етмаганларнинг меҳнатига оид кафолатлар ва имтиёзлар, уларни ишга қабул қилиш, меҳнат шартинини белгиллаш ва меҳнат шартномасини бекор қилиш билан боғлиқ муносабатлар ҳам тартибга солинган. Бошқача айтганда, меҳнат муносабатларида қонунчилик вояга етмаганларга қўшимча имтиёз ва кафолатларни назарда тутган. Хусусан, белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш жойларига ишга жойлаштириш тартибидида махаллий меҳнат органи ва бошқа органлар томонидан юборилган, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни иш бериуви ишга қабул қилиши шартлигини кафолатлайди.

Бундан ташқари, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатига оид ҳуқукий муносабатларда қатта ёшдаги ҳодимлар билан тенг ҳуқуқда бўлади. Меҳнатни муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллари ва

бошқа меҳнат шартлари соҳасида улар учун меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган қўшимча имтиёзлардан фойдаланади. Қўшимча имтиёзларга эса қисқартирилган иш вақти муддати татбиқ этилиши, узайтирилган таътиллари берилиши, туғни ишлари, иш вақтидан ташқари ишлар ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш таъқиқланиши кирлади.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан шу тоифа ҳодимларининг соғлиғи, хавфсизлиги ёки ахлоқ-оқобига зиён етказиши мумкин бўлган меҳнат шартини ноқулай ишлар, ер ости ишлари ва бошқа ишларда фойдаланиш таъқиқланади.

Демак, қонунчиликнинг барча асослари вояга етмаганларнинг меҳнати муҳофазасини кафолатлайди ҳамда уларга имтиёзларни белгилайди.

Сўнги икки йил ичида таълим тизимини болалар маффагига мослаш, уларнинг маънавий-руҳий олами-ни мустаҳкамлаш учун жиддий ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Биргина китобхонлик, ёшларни китобга «кайтариш» юзасидан қилинаётган ҳаракатлар келажак учун муҳим кадам, илмга иштиёқни ўстириш борасида сўниб бораётган умидларни тиритириш учун чўб бўлди, дейиш мумкин. Зеро, дунёни илми билан бошқарган даҳолар ҳаммиса китобдан миннатдор бўлишган. Болаларига китоб совға қилган, кўп китоб ўқигани энг фарҳали жиҳат билган фарзандларга эга миллат ҳеч қачон зулматда қолмайди.

Халқимизнинг азалий ва муқаддас одатлари, эгу дунёқарашини ўз ҳаракат дастурларида ифода этаётган давлат ва подавадат ташкилотлари ҳам ёш авлодга

оид ишларга алоҳида масъулият билан ёндашмоқда. Чунки бутунги болаларнинг миллий тараққиёт заңжир-ида олтин ҳалқага айланиши мустаҳкам келажакимиз ва фаровонлик гаровидир. Бу азалий ҳақиқат касаб-а уюшмаларининг сўнги пайтларда омма орасида сал-моқли самараси билан кўзга ташланаётган қўллаб-акцияларида намоён бўлаётир.

Ўзбекистон касаб-а уюшмалари Федерацияси томонидан ташкил этилаётган «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Бахтиёр болалар мамлақати», «Касаб-а уюшмалари — болаларга» акциялари доира-сида ташкил этилаётган лойиҳалар нафакат ёш ав-лод, балки бошқа ижтимоий қатламлар ҳаётида ҳам акс-садо бераётир. Мазкур тадбирлар, аввало, бор мазмун-моҳияти билан касаб-а уюшма ташкилотла-рининг ёшлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллашига хиз-мат қилса, иккинчи тарафдан навқирон авлоднинг ҳар томонлама баркамол, ҳеч қимдан кам бўлмайдиган юксак салохиятга эга бўлиб вояга етишига хиз-мат қилмоқда.

«Бола — подшо», дейди доно халқимиз. Бу под-шолик фақат ўйин-қўлтидан иборат бўлмай, эртанги фаровон ҳаёт учун пойдевор бўладиган билим, ўзга-ларга ҳам фойда келтира оладиган ҳунар ўрганиш учун имконият ҳамдир. Терапрук ўйлаб қўрилса, зумда ўтиб кетуви бу вақт биз катталар учун ҳам бир синов. Бу-гун сиз-у бизга умид-ла кўз тикиб турган ўғил-қиз-имизга нимаинки илинсақ, эртага шу ҳаракатлар ҳоси-лини оламиз. Яхшилик қилиб энг буюк эгуликлар бил-ан жавоб олайлик. Зеро, донолар демилки, «бугдэй эккан бугдэй олур».

Дилдора РАҲМОҶОНОВА,
«lshonch» муҳбири

— Дам олиш мавсумида вилоятимизга қарашли 2 ёзги соғломлаштириш оромгоҳида 2 минг нафар, 41 кундузги оромгоҳда 9 минг 300 нафар фарзандларимиз ҳордиқ чиқариши режалаштирилган, — дейди вилоят халқ таъ-лими бошқармаси бошлиғи А.Абдурахмонов. — Ушбу масканларда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари якунланиш арафасида.

«Сирдарё» мавсумга тайёр!

Вилоят ҳокимлиги, вилоят касаб-а уюшма ташкилотлари бирлашмаси, халқ таълими, ички ишлар, соғлиқни сақлаш ва фақуллода вазиятлар бошқармалари ҳамкорлигида тузилган ишчи гуруҳ то-монидан объектларнинг хавфсизлик хо-лати, улар жойлашган ҳудуд ва йўлларда юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар-нинг олдини олиш бўйича муҳим чо-ра-тадбирлар амалга оширилди.

Тайёрларик ишлари билан танишиш мақсадида Сирдарё туманида жойлашган «Сирдарё» оромгоҳида бўлди. Вилоят касаб-а уюшма ташкилотлари бирлаш-маси тасарруфидаги ушбу масканга олиб боруви йўл таъмирдан чиқарилган. Ҳу-дудга кирганингиз ҳамон бу жойнинг ик-лими шаҳардаги иссиқ ва бўғиқ ҳаводан туддан фарқ қилишига гувоҳ бўласиз.

Чамаси, 5 минг туп манзарали ва ме-вали дарахтлардан дил ярайди. Йўлак

бўйлаб жиппан ранг-баранг гуллардан баҳри-дилингиз очилади. Болажонларни тозалик, тартиб-интизомга, билим ўрга-ниш, китоб ўқушга чорловчи паннолар, йўналиш кўрсатувчи белгилар бу гўшада ҳеч нарс-а фаромуш этилмаганидан доло-л-л-л беради.

Жорий таъмирдан чиқарилган очиқ сузиш ҳавзаси, футбол, волейбол, ганд-бол, баскетбол майдонлари ва югу-риш йўлакчалари болажонларга му-назир. Ўғил ва қиз болалар учун алоҳи-да-алоҳида ювиниш-қийиниш хоналари ишлаб турибди. 400 ўринли ошхонадаги шартон таҳсинга лойиқ.

— Оромгоҳимизнинг умумий май-дон-и 10 тектарини ташкил этади, — дей-ди оромгоҳ раҳбари, 2014 ва 2016 йил-лар республикадаги «Энг намунали оромгоҳ» номинацияси соҳиб-и Мурод Аллаёров. — Боғимизда етиштирилган

Оромгоҳ — 2018

мева-сабзавотлар эвазига болаларни си-фатли озиқ-овқат билан таъминлаш мақ-садида қарийб 1 тектар майдонга поми-дор, болдинг, булғор гармдориси, қарам, баклажон, картошка, сабзи, пиёз ва турли қўқатлар экканмиз. Кутубхонамизни янги адабиётлар билан бойитдик. Бундан ташқари, вилоят касаб-а уюшма ташки-лотлари бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан келишиб, Прези-дентимизнинг сирдарёлик ёшларга тақ-дим этган ажойиб кутубхона — библиобус-нинг мавсум давомида оромгоҳимизга 3-4 марта келиши режалаштирилди.

Шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт, маданият бошқармалари ҳамда ка-тор мутасаддилар билан келишиб ҳолда қўллаб-спорт мусобакалари, турли тан-лов, викторина, маданий-маърифий тал-бир ва учрашувлар уюштириш қўша ту-тилган. 400 ўринли тўртга ётоқхона дам олувчилар хизматида шай. Марказлашган тиббиёт хонасида зарур дори-дармонлар мавжуд. Бундан ташқари, ҳар бир ётоқ-хонадаги гигиена хоналари ҳам қўнғил-дагидек. Фақуллода вазиятлар чоғида захира чиқиб йўллари ва эвакуация учун тайёрланиш жойларининг жадал-лари ҳар бир ётоқхонага илб қўйилган. Оромгоҳ электр ва тоза ичимлик суви би-лан таъминланиши ҳамда телефон алоқа-сида мунтазамлик йўлга қўйилган.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«lshonch» муҳбири

Ҳеч ким эътибордан четда эмас

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати би-лан юртимизнинг ҳар бир гўшасида байрам дастур-лари уюштириляпти. Шун-дай тадбирлардан бири Ғафур Ғулом номидаги ма-даният ва истироҳат боғида Ўзбекистон касаб-а уюшма-лари Федерацияси, Тошкент шаҳар ИИББ ва Ички ишлар ҳодимлари Бирлашган ка-саба уюшма кўмитаси томо-нидан ўтказилди. Унда 83 нафар болажон ва уларнинг оналари қатнашди.



— Бола кулгисидек беғу-бор, жажжи қалбидан-да пок хилқатнинг ўзи йўқ. Кичкинтой-лар қувончи — олам қувончи. Юртимизда улар учун яратилган шартонлардан ҳар қандай инсон қалби фаҳрга тўлади, — дей-ди Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ички ишлар ҳодимлари бирлашган касаб-а уюшма кўмитаси раис ўрин-босари Маҳмуджон Ёкубов. — Соҳада ишлаб хизмат вақтида ҳалоқ бўлган ҳодимларнинг оила аъзолари ва фарзандлари доимий эътиборимизда. Ушбу тадбир ҳам уларни байрам муносабати билан қутлаш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда ташкилотчилар то-монидан болажонларга байрам совғалари улашилди.

— Истироҳат боғига фарзандларим билан келдик. Бу таширф уларга олам-олам завқ улашди. Мана қилиб томоша қи-ляпаяпти, — дейди Ирода Умур-зокова. — Юзндаги шодлиқни қаранг! Бу оилани ҳада этган тадбир ташкилотчиларига раҳ-матлар айтаман.

— Бу кун ҳеч қачон эсимдан чиқмас керак, — дейди Саида Аминова. — Бог сайридан қўн-лим тоғдек кўтарилди. Тенгқур-ларим билан турли аттракцион-ларда учдик. Қувончимиз чексиз.

Санъаткорлар томонидан ижро этилган концерт дастури барчага манзур бўлди.

Ўз муҳбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН — бахтиёр болалар мамлақати



Энг ажойиб совға

41

...Худуд юмшоқ ўйинчоқлар, майда қўл мотори-касини ривожлантиришда фойдаланиладиган гул, да-рахтлар, капалак, турли қўшлар, уларнинг уялари каби жажживойларнинг ижод намуналари билан эртақларда-гидек безатилган.

Тадбирда тарбияланувчилар томонидан қизқарли саҳна ўйинлари, рақслар, спорт мусобакалари, эстафета-лар уюштирилди. Машҳур футболчи Одил Аҳмедовнинг таширфи барчани янада хурсанд қилди. Машҳур фут-болчи болаларга спорт кийимлари ва кўпоқлар улашди.

— Таълим-тарбия бериш қанчалик эрта бошланса, унинг самараси шунга мос намоён бўлади ва боланинг бу-тун ҳаёт тарзига ижобий таъсир қилади. Рухий ва ақлий ривожланишида нуқсон бўлган болалар вақтида муасса-самизга олиб келинса, 4 йил давомида олиб бориладиган коррекцион таълим натижасида уларда жисмоний, нуруий, руҳий, ақлий ривожланиш, фикрлаш, тафаккурининг ўси-шида қатта натижаларга эришилади, — дейди муассаса мудирини, халқ таълими аълочиси Дилноза Мусаева.

— Байрам яхши ўтди. Дўстларимиз билан жува яй-радик, — дейди 7 ёшли Абдулазиз Абдурашодов. — Ай-никса, сеvimли футболчимиз Одил Аҳмедовнинг қўли-дан совға олганимиз асло ёдимдан чиқмайди. Катта бўл-сам, у каби моҳир спортчи бўламан.

Ҳар йили қўллаб болаларнинг имкон қадар тўлақонли, жисмоний, маънавий, руҳий соғлом ҳамда баркамол бўлиб шаклланишида муҳим рол ўйнаб, ижти-моий ҳаётга мослаштириб келаятган муассаса жамоа-сига шарафли фаолиятида омадлар тилаймиз.

Салим АБДУРАҲМОҶОНОВ,
«lshonch» муҳбири.
Муаллиф олган суратлар

Болалар дунё ва ҳаёт мазмунининг ажралмас қисми бўлиб, улар ўз табассумлари орқали инсонлар қалбида ҳаётга, яшашга нисбатан қучли қизиқиш уйғотади. Қўла-рида эзгулик ва меҳр қалқиб турган нуридийдаларимиз келажакимиз ворисларидир.

68 йилдан буён 1 июнь — ёзининг илк куни Халқаро болалар куни сифатида бу-тун дунё миқёсида кенг нишонланади. Дам олиш куни бўлмаса ҳам, шу кунни ҳақиқий байрам уюштирилади.

Мазкур байрам тарихи 1949 йилда Парижда бўлиб ўтган аёлларнинг Халқаро демократик федерацияси кон-гресси билан боғлиқ. Бу конгрессда бо-лаларнинг бардамлиги ва бахт-саодати-нинг кафолати бўлган мустаҳкам тинч-ликни таъминлаш учун доимий кураш ҳақидаги шиор янграган. Чунки даҳ-шатли урушдан кейинги даврда сайёра-мизда яшовчи барча митти болажонлар-нинг соғлиқ ва хотиржамлигини сақлаш долзарб муаммога айланиб қолган эди.

1950 йилдан эътиборан 1 июнь Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

сифатида нишонлана бошлади. 1989 йилда БМТ Бош Ассамблеяси «Болалар ҳуқуқлари тўғрисида»ни Конвенцияни қабул қилди. Унда бутун дунё мамлакат-лари учун болалар ҳуқуқларини ҳимоя

Беғубор ва қувончли байрам

қилишни таъминлашни жорий қилиш масаласи ўз аксини топган.

Ҳўш, халқаро болалар куни қандай нишонланади?

Дунёнинг кўпчилик мамлакат-лари ва шаҳарларида бу байрам бола-

лар ҳуқуқлари ва уларни ҳимоя қилиш ҳақида мунозара ва лекциялар ўтказиш орқали бўлиб ўтади. Шунингдек, бола-лар кунда турли-туман қувноқ ва ма-даний оммавий тадбирлар, спорт мусо-бақалари ва концертлар ўтказилади. Шу кунни оғир қасал, даволашнишга муҳтож ва ногирон болалар учун хайрия акциялари ташкил қилинади.

Болаларни ҳимоя қилиш куни бай-рамнинг мақсади — кенг жамоатчи-лик эътиборини муаммоли болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, ҳимояланган дунёда яшаш имкониятлари ва бахтли болаликка эга бўлиши ҳамда ўз мамла-

катининг тўла-тўқис фукароси бўлиб ўсишларига қаратишдан иборат.

Ёзининг биринчи куни дунёнинг де-ярли барча мамлакатларида келажакимиз эгалари учун турли концертлар, кўргаз-малар, сайиллар, спорт мусобакалари ўт-казиш аънаанага айланган. Истироҳат боғлари эса болаларнинг табассумлари билан гўёки мўъжизалар дунёсига айла-нади. Мамлакатимизда ҳам ушбу бай-рам ҳар йили кўтаринки руҳда ташкил-лаштирилади. Чунки Мамлакатимиз — болажон юрт, халқимиз эса азалдан болажон халқ. Мустақилликнинг даст-лабқи йилларида мамлакатимиз кўши-лган илк халқаро шартномалар қаторида айнан «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ни Конвенция туриши ҳам бунинг ажол исботидир. Донишмандлар болаларни фаришталарга меназлаган. Фаришталар эса эзгулик элчиларидир.

Зулфия ХОЛМУҲАММЕДОВА,
«lshonch» муҳбири

Оромгоҳлар мунтазир

Бўстонлик тумани табиати сўлим, тоғларининг соф ва шифобахш ҳавоси болажонлар учун ғоят фой-дали. Тўрт фаслда ҳам бу гўзал ҳудудда дам олув-чилар бисёр. Кейинги пайтларда бу ердаги табиат жозибаси хоржилик сайёҳларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Бу ерда қўллаб меҳмонхона, уй-меҳ-монхона, санаторий ва дам олиш зоналари қато-рида ўнлаб болалар соғломлаштириш оромгоҳлари ҳам жойлашган. Жорий йилнинг 4 июнь кунидан бошлаб барча оромгоҳлар болалар ўйин-қулгиси ва шовқини билан тўлади.

Хозирда туманда болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш бўйича мувофиқлаштирувчи гуруҳ штаби фаолияти йўлга қўйилгани тадбирларни тизимли равишда амалга ошириш имконини бермоқда.

Бўстонлик тумани давлат санитария назорати маркази бош врач-и Шерзод Шерматовнинг билдиришича, штабда

30 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларидаги сани-тар-эпидемиологик аҳолини доимий равишда назорат қилиб бориш режалаштирилган. Ҳар бир оромгоҳга те-гишли умумий қундалик маълумотлар базага жойлашти-рилиб, таҳлил қилиб чиқилади ва шу асосда чора-тадбир-лар қўрилади. Марказда махсус текширувлар учун 4 та совутгич сумкалари ажратилгани марказимизда қимёвий, бактериологик ва паразитал текширувларни озуқа муҳити ҳамда стандарт эригмалар таъсирида ўз вақтида ўтказиш имконини яратди. Бу эса болалар соғлиғи, овқатланиши ва яшаш шартининг аниқлашга хизмат қилади.

«Соқол» болалар соғломлаштириш оромгоҳи дирек-тори Собир Холлиевнинг айтишича, бу мавсумда ушбу оромгоҳда болаларнинг қўнғилдагидек дам олиши учун таомхона, ётоқхона, ювиниш хоналари жорий таъмирдан чиқарилган. Бўш вақтларида маърифат зиёсидан баҳраманд бўлиш учун кутубхона, маънавий хоналари хизматта шай. Қизилсув сойининг ёқасида замонавий типдаги футбол май-дони бунёд этилган. Эътиборли жиҳати шундаки, бу ерда

кичик ёшдаги дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъмин-лаш мақсадида видеокузатув мосламалари ҳам ўрнатилган. Бу ерда 4 минг нафардан зиёд бола ҳордиқ чиқаради. 15 тек-тар майдонни эгаллаган бу сўлим маскан анчадан буён бола-жонларнинг сеvimли гўшасига айланиб улгурган.

Ўзал ландшафт, тоза ҳаво, эртақ қаҳрамонлари акс этган манзаралар — «Баркамол» болалар соғломлашти-риш оромгоҳи ана шундай хусусиятлари билан дам олув-чилар эътиборини тортмоқда.

Оромгоҳ директори Муяссар Аҳмаджонованинг маъ-лум қилишича, жорий мавсумда Бўстонлик туманида 43 минг нафардан зиёд болаларнинг соғломлаштирилиши ре-жалаштирилган. Экологик носоғлом ҳудудлар ҳисоблан-ган — Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вило-ятдан келадиган 5 минг нафар яқин болалар ҳам шу ерда марокли дам олади. Бунинг учун барча шаронт яратилган. Оромгоҳлар болажонларни интиқлик билан қутмоқда.

Аъзам АБУЛҲАЙЗОВ,
«lshonch» муҳбири

Касби туманининг Қамаш қишлоғида давлат ва ҳусусий шерикчилик асосида ташкил этилган «Пар-воз» нодавлат мактабгача таълим муассасасида 100 нафардан ошқ ўғил-қиз тарбияланмоқда.

Болаларга беринг дунёни!

Яқин-яқингача бу ҳудудда болалар боғчаси бўлмагани ота-оналарнинг эътирозига сабаб бўлиб келаятганди. Чунки 20 минг нафар аҳоли истикомат қиладиган қатта бир қишлоқда мак-табгача таълим муассасаси фаолият юритмас, болаларни ўқишга тайёрлаш ишлари долзарб муаммо эди. Давлати-миз раҳбарининг болаларни мактаб-га сифатли тайёрлаш ишларига қатта эътибор қаратиши тадбиркор мураб-

бия Элмира Ҳасановани руҳлантириб юборди.

Асли касби ўқитувчи, ҳаракатлари изланувчанликка, тадбиркорликка мо-йил Элмира опа қишлоқда нодавлат мактабгача таълим муассасаси очди.

Кунни кеча бу муассасада агроса-ноат мажмуи ҳодимлари касаб-а уюш-маси Касби тумани кенгаши ташаббуси билан 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган,

«Болаларга беринг дунёни!» деб ном-ланган байрам тадбири уюштирилди.

Болажонларнинг қисқа муддатда (икки ой давомида) рус ва ниглиз тил-ларини яхшигина ўрганишгани барчани қувонтирди. Хоржики тилларда бий-рон-бийрон шеър ўқийётган ўғил-қиз-ларга ҳавас қилдик, уларга янада юксак парвозлар қилдик. Жажжи болалар то-монидан ижро этилган рақслар дилларга ҳушудлиқ улашди.

Ташаббус

Ўз навбатида, байрам қаҳрамонла-ринга туман ҳокимлиги ҳамда агроса-ноат мажмуи ҳодимлари касаб-а уюш-маси Касби туман кенгаши томонидан совғалар улашилди. Вилоят кўнғирчоқ театри томонидан намоёнш этилган қувноқ томошалар барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Машҳур турк шо-ири Нозим Ҳикмат «Болаларга беринг дунёни!» дея хитоб қилганида жажжи фарзандларинг шундай қувончли он-ларини назарда тутган бўлса, ажабмас.

Акмал АБДИЕВ,
«lshonch» муҳбири





Сополнинг сеҳрли жилоси

Фаргона вилояти-нинг Риштон тумани ўзига хос кулчилик мактабига эга.

Яқинда туманда хусусий тадбиркор Равшанбек Тожидинов раҳбарлигида “Корон” кулчилик маркази ташкил этилди. Бу ерда тайёрланаётган 200 турдаги кулчилик маҳсулотлари сержило нақшлари билан барчани мафтун қилмоқда. Кенг ва ёруғ устахоналарда 50 дан ортиқ ёшлар бадий кулчилик маҳсулотлари тайёрлаб, миллий хунармандчилик анъаналарини давом эттирмоқда.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ
МУҚИМЖОН ҚОДИРОВ
олган сурат.

Бир кун донишманднинг тоби қочиб, ётиб қолибди. Ҳолдан хабар олиш учун келган ҳақим ундан:

— Нима истайсан? — деб сўрабди.

— Соғлик, — деб жавоб қайтарибди бемор.

— Унинг шакли қандай эканини тушунир, уни сенга топиб келтирай, — дебди ҳақим.

Соғлик — бебаҳо неъмат

— Соғлиқнинг хусусияти, шакл-у шамойили йўқ, — дебди донишманд.

— Сен донишманд бўлсанг, хусусиятсиз нарсани қандай талаб қиласан? Яхшиси менга соғлиқнинг қандай бўлишини тушунир, — дебди ҳақим.

— Соғлик келиши билан қувватга кирган, рангим ҳам тинчлашади, тетик бўлиб қоламан.

— Мен сенга соғлиқнинг ўзини таърифлаб бер дейман, — дея унинг сўзини бўлибди ҳақим.

— Билмайман, — дебди донишманд.

Соғлик мана шундай кўз билан кўриб, қўл билан тутиб, сўз билан ифода-лаб бўлмайдиган бебаҳо неъмат. Ҳадиси шарифда ҳам бу бир неча бор таъкидланган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Икки неъмат бор, у ҳақда кишиларнинг кўпчилиги зиён топиб, бебаҳра қолишади. Улар сиҳат-саломатлик ва бўш вақтир» (Имом Бухорий ривояти).

Соғлиқни қадрлаш, уни асраш учун саъй-ҳаракат лозим. Соғлиқимиз учун зарарли нарсаларни истеъмол қилиш — бу неъматга ношуқрулик билан баробар. Демак, соғлик ҳам, дард чекиш ҳам инсон учун бир неъматдир. Ҳар икки ҳолатда ҳам тўғри йўл тутиш билан киши савобга эришади.

Ибрат дунёси

Баъзан ростдан ёлғон яхши

Бир подшоҳ бир асирни ўлдиришга фармон берди. Шўрлик асир ҳаётдан умид узиб, подшоҳни сўка бошлади.

Подшоҳ:

— У нима дейпти? — деб сўради.

Софдил вазирлардан бири, — «Эй подшоҳи олам, ҳар кимки ғазабин ичига ютар, гуноҳ қилганнинг гуноҳин ўтар, дейпти» — дея жавоб берди. Подшоҳнинг раҳми келиб, асирни авф этди.

Софдил вазирнинг пайини қирқиб юрадиган бошқа вазир гапга аралашди:

— Бизнинг мавқеимизда бўлган одамлар подшоҳ ҳузурида факат рост сўзлашлари лозим. Бу асир подшоҳни ҳақорат қилди ва шаънига ёмон гаплар айтди.

Подшоҳ бу сўзни эшитиб, қош-қовоғини уйди:

— Сен айтган рост гапдан кўра унинг ёлғони менга кўпроқ маъқул тушди. Чунки унинг ёлғони хайрихоҳлик юзасидан айтилган эди, сеники эса жиноятга бошлаш учун айтилди. Донишмандлар «фитна кўзғатувчи ростдан маслаҳатли ёлғон яхши», деганлар.

«Шарқ ҳикоят ва ривоятлари» китобидан

Рамазон ўғити



Фарзанд тарбиясига бефарқ бўлманг!

кўрсатиб, қанча гўшт ва ёғ борлигини сўрашибди. Кўчкорлар сўйилганидан сўнг қассоб айтган ёғ-гўшт чиқибди. Халифа қойил қолибди ҳамда ундан дунёвий ва ухровий илмлардан сўрабди. Афсус, қассобнинг қалласи бу соҳада бўш эди. Шунда халифа дебди:

— Эй қассобзода! Наҳот, ҳаётни фақат қассобчиликда деб тушунасанг? Қани сенда ватанга муҳаббат, халқингга муҳаббат? Наҳот, ҳалол ва ҳаромнинг фарқига етмасанг?!

Халифа жар чақиртириб, эълон қилибди:

— Ушбу қассоб шунча зехн, шунча илми бўла туриб, ё дунёвий, ё ухровий илм олмагани, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормагани учун бошқаларга ибрат бўлсин деб, келгуси жума куни уни осдираман.

Ҳамма бу ҳукмдан рози бўлиб, унинг одиллигини тан олишибди.

Эртаси куни халифа қабулига икки ёш йигитча кириб келибди. Халифа уларнинг хулқ-атворини кўриб, «фарзандинг бўлса,

шундай бўлсин», деб қўйибди. Йигитлар халифадан гапиришга изи сўрашибди ва рўхсатдан сўнг дейишибди:

— Эй шаҳаншоҳ! Аввало, бизнинг бир қопиқ қонимиздан кечинг. Биз ўлимга ҳукм қилинган қассобнинг ўғилларимиз. Отамиздан сўралган саволларни биздан сўрасангиз.

Халифа болаларни узок саволга тутиб, улардаги илм, етуқликни сезиб, қучлироқ олим кишиларни қорлаб, илм мажлиси ўтказиб, болаларнинг зехни ва илмига қойил қолибди ва дебди:

— Сизларга тасанно, лекин отангизга чиқарилган ҳукм ҳаммага маъқул келган ва қўлчиликка ибратдир.

Шунда қассобнинг катта ўғли:

— Эй муҳтарам жамоа! Бола — лой, ота ва она — кулол эмасми? Бола онадан ўғри, қотил ёки алдоқчи бўлиб туғилмайди-ку? Уни тарбияловчи ота-она ва ташки мухитдир. Отамизга чиқарган ҳукмни отамизга эмас, унинг отасига чиқариш керак эди. Отамиз ўзи илм-

сиз бўлса ҳам, бизни шунчалик илмли, маърифатли бўлишимизга шароит яратди. Отамиз таҳсинга лойиқдир, — деди.

Халифа узок сукут сақлади ва деди:

«Эй вазир! Сен энди истеъфого чик. Шу бола менга вазир бўлсин. Эй жаллод! Қассобни олиб кел, устига зарбон тўн ёп, бу элга ибрат бўлсин. Чунки бизнинг келажакимиз — фарзандларимиз. Бола тарбиялашдаги олийжаноблиги учун қассоб шунга лойиқдир. Қассобнинг отаси тририк бўлса, олиб келинг, ўлган бўлса, гўри устига ўтгиз дарра уринг. Чунки шу қассоб ҳам ёшчилида ўта истеъдодли бўлган.

Отаси эса унга қассобчиликдан бошқа нарсани ўргатмаган.

Дунёвий ва ухровий илм изламоқ туғилгандан то лаҳадга боргунча фарз. Ўз маънавиятимиз ва миллий ғуруримизни ўзимиз кўтарилик. Бизнинг ҳам ғуруримизга дарра тушишдан Оллоҳ асрасин.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА
тайёрлади.

Акс-садо



Очилган яра

Яхши эслаيمان: талабанинг дафтар-китоби бўлмаса ёки тегишли фани конспект қилмаса, дардан чиқариб юборилар эди. Имтиҳон пайтида барча дарсларнинг конспекти бирма-бир кўриб чиқилиб, уларни талабанинг шахсан ўзи ёзганига ишонч ҳосил қилингандан сўнггина курс иши, синов ёки имтиҳон баҳоси қўйиларди. Энг муҳими, ўқитувчилар томонидан дарслар виждонан ўтилар, талабаларнинг билим олишларига катта эътибор бериларди. Ҳозир-чи? Афсуски, бу саволга ижобий жавоб бериш анчайин мушкул.

Эътибор берилса, кейинги 10-15 йил мобайнида олий ўқув юртига ўқишга бораётган кўпчилик талабаларнинг қўлида на дафтар, на китоб, на конспект бор. Ҳақли савол туғилади: улар қандай қилиб билим олоқда? Ҳеч нарса ёзмаса, конспект қилмаса, китоб ўқимаса, «рефератлар»ни қўчадаги интер-

нет-кафеларда тайёрласа — келгусида улар қандай мутахассис чиқадилар? Инсонда эслаб қолиш қобилияти ўзгаргани йўқ-ку! Бундай билим савияси паст, ўз устида ишламайдиган «мутахассис»лар мактабга боргудек бўлса, ўсиб келаётган авлодга қандай билим беради, ишлаб чиқаришни қандай бошқаради, янги технологиялар, инновацион ғоялар, янги маҳсулотларни қандай ўзлаштиради, қасалларни қандай даволайди, исти-содийетимизни яхшилашга салоҳияти етадими? Бундай саволларнинг саногини йўқ.

Келажакда билимли, қучли ва етук мутахассисларга эга бўлишни хоҳласак, таълим-тарбия, айниқса, таълим соҳасида туб ислохотларни амалга оширишимиз зарур. Бундай ўзгартиришлар мактаблар учун ҳам бўлаётган тегишли.

Яна бир нарса мени ҳайрон қолдиради. Ўша олий ўқув дар-

гоҳлари, коллеж ва мактабларда ҳукумат ва бошқа бошқарув идораларида, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларида ишлаётган амалдорларнинг фарзандлари ёки неваралари ҳам ўқийди-ку, ахир! Улар юзага келган салбий ҳолатлардан хабардор эмасми? Шу тарика юзага келган аянчли ҳолатда айбдор қимлиги ва уларга нисбатан қандай чора кўрилатгани сирли-гича қолмоқда.

Хулоса ўрнида айтганим бўлсам, хатолар дастлаб аниқланиши, сўнгга тузатилиши лозим. Шу маънода бу каби мақолаларнинг чоп этилиши хато ва камчиликларимизни аниқлашга хизмат қилади. Тиббиётда «Ташхис аниқ бўлса, касалликни даволаш қийин эмас», деган қоида бор. Камчиликлар рўй-рост айтилган жойда тез орада счим ҳам топилади. Бунга шубҳа йўқ.

Олтинжон ТИЛЛАЕВ,
Наманган шахри

Болалигим, сени соғиндим!

Оқ тераг-у кўк терак...

Баҳор барибир бошқача-да. Минг бор «ҳай-ҳай»лашингизга қарамай, кун боптунга қадар болаларнинг чуғур-чуғури қулоқларни қоматга келтиради. Қизалоқлар бир бурчада «холокам-холокам» ўйнашади. Ўғил болалар эса ё қоптоқ қувади, ё варрак учуриб, гўё осмон-у фалакдан олма теради. Буларни томоша қилиб, беихтиёр болаликка қайтгандай бўласан киши...

Ҳозирги куннинг болалари бу ўйинни ўйнайдими-йўқми, билмадим-у (ҳар ҳолда сўнгги йилларда болалар ўртасида бу ўйинни кўрмайман) лекин бизнинг пайтларда «Оқ тераг-у кўк терак» деган ўйин бўларди. У одатда, кўплашиб ўйналади. Бунинг учун қаида 10 нафар ўғил ва қиз боладан иборат бўлиши керак. Ўйиннинг қоидаи шундай: мисол учун, 10 нафар бола икки гуруҳга бўлинади, яъни 5 кишига 5 киши.

Ўғил бола, қиз бола аралаш икки гуруҳга бўлиниб, бир-бирининг қўлини маҳкам ушлаганча жонли занжир ҳосил қилинади. Ва биринчи гуруҳ иккинчи гуруҳдан сўрайди:

— Оқ тераг-у кўк терак, биздан сизга ким керак?

— Бизга Феруза керак! — дея жавоб қайтаради иккинчи гуруҳ.

Феруза югуриб бориб, жонли занжирни узиши керак бўлади. Агар занжирни узса, бу гуруҳнинг бир иштирокчисини ўзининг гуруҳига қўшиб олади. Узолмаса, шу гуруҳда қолиб кетади. Ўйин шу алфозда давом этади. Қайси гуруҳ ўз иштирокчилари сонини кўпайтириб олса, шу гуруҳ ютган ҳисобланади.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА

Тузатиш

«Ishonch» газетасининг 26.05.2018 йилдаги № 62 (4035)-сонда чоп этилган эълондаги «Surkhondaryo tulk savdo» МЧЖ томонидан савдога қўйилган, бошлангич баҳоси 786 500 000 (етти юз саксон олти миллион беш юз минг) сўм бўлган мол-мулклар мажмуасининг савдо савдоси 2018 йил 26-27 июнь кунлари соат 10:00 дан бошлаб, тақририй савдо савдоси эса 13, 16 июль кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказилади, деб ўқилсин. Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳар, Бахт кўчаси 3/45-уй. Тел.: (0376) 224-36-76.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон нефть-газ ва геология ҳодимлари қасаба уюшмаси Республика Кенгаши жамоаси «Бўҳорогазсаноктурлиш» акциядорлик жамияти қасаба уюшма қўмитасининг раиси, Республика Кенгаши раёсати аъзоси Раим Аминова онаси

САИДАОЙ аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсдор этади.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти жамоаси иш юритувчи Муҳайё Қуралбаевага волидан мухтарамаси **ҲАДИЧА** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Фаргона вилояти қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси жамоаси Риштон тумани Тиббиёт бирлашмаси қасаба уюшма қўмитаси раиси **Ҳилола ҲОШИМОВА**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ихсдор этади.

МУАССИС:



2007 йил 11 январда
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида
116-рақам билан рўйхатга
олинган.

Бош муҳаррир:

Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:

Қасаба уюшмалари ҳаёти — 256-87-63
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — 256-64-69
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — 256-85-43
Электрон нашр ва АКТ — 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Манзилимиз:

100165, Тошкент шаҳри,
Бўҳоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сенанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Қорхона манзили:** Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисоб рақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ispiteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТПР: 201133889, ОКДЗ: 58130

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-91) 268-92-32
Андижон — (+998-91) 475-23-60
Бўҳоро — (+998-93) 653-50-81
Жиззах — (+998-91) 943-67-44
Наманган — (+998-90) 260-50-77
Навоий — (+998-93) 314-13-03
Самарқанд — (+998-97) 915-50-87
Сирдарё — (+998-90) 610-95-55
Сурхондарё — (+998-91) 233-69-07
Фарғона — (+998-90) 991-55-71
Хоразм — (+998-90) 719-48-00
Қашқадарё — (+998-91) 467-30-01

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:

Х. Норбоев
Навбатчи:
Д. Аллқулова
Мусакхх:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдуҷалилов
Босишга топшириш вақти — **23:50**
Топширилди — **00:20**
123 56
Газета офсет усулида,
А-2 форматда босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Бюортма Г — **509**.
31508 нускада босилди.
Нашр қўраткичи: **133**